


Маҳалла

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ



“Маҳалла еттилиги”нинг кунлик, ҳафталик, ойлик, чораклик иш режалари, намунавий бир ойлик тадбирлар дастури тайёрланиб, ҳафтанинг ҳар бир кунига рамзий номлар берилди.



КУН нафаси



ЖАРАЁН

ЙЎЛЛАРДА 2 282 КИШИ ҲАЛОК БЎЛГАН...

2023 йил якуни бўйича мамлакатимиздаги 9 442 та маҳалладан 2 972 тасида ёки 31,5 фоизда жиноят содир этилмаган. Жиноятлар кўпайган 2 298 та ёки 24,3 фоиз маҳалла “қизил” тоифага киритилган. Тазйик ва зўравонликка учраган 40 минг нафардан ортиқ хотин-қизга химоя ордери берилган.

6-с.



ЖАРАЁН

БОЛАЛАРГА ХИМОЯ ОРДЕРИ БЕРИЛАДИМИ?..

Болаларга нисбатан зўравонлик шакллари амалдаги учтадан (жисмоний, жинсий, рухий) ортига (ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация, буллинг) оширилмоқда. Химоя ордери жабрланувчининг қонуний вақилига, болани ўз қармоғига олган бошқа шахсга ҳамда жабрланувчининг ўзига берилди.

7-с.



ЖАРАЁН

БИЗНЕС ВА ТАЪЛИМДА ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЯДИ

Ҳар бир лойиҳага базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача миқдордаги имтиёзли кредит ажратилади. Фолиб бўлган бизнес лойиҳа ва ғоялар эгалари “Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ҳисобидан хорижий давлатларга малака оширишга юборилади.

4-с.

Мустаҳкам ишонч ва дўстлик кўприги



БУНЁДКОРЛИК

«Биз биргаликда бунёд этган бу муҳташам кўприк шунчаки навбатдаги инфратузилма иншооти эмас. Бу кўприк, аввало, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва дўстлик, оғзибирлик ва ҳамкорлик кўпригидир. Бу йўл жаҳонга очилаётган Янги Ўзбекистон, Янги Қорақалпоғистоннинг тараққиёт ва фаровонлик йўлларидир. Мана шу азим дарёнинг икки соҳилида, шундай ёруғ кўнарларни орзу қилиб яшаб келаётган минг-минглаб юртдошларимизнинг умидлари рўёбга чиққан тарихий кун барчамизга муборак бўлсин».

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ДОЛЗАРБ мавзу

Талабга мос тадбиркорлар нега топилмапти?



Мақсадбек ФАИЗ.

Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганидан хабарингиз бор. Унга кўра, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ дастурда таянч банк этиб белгиланган.

Қарорда белгиланишича, банклар томонидан амалий ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, сертификат олган номзодларнинг лойиҳаларига молиялаштирилади.

Тартибга кўра, лойиҳада камидан 1 йил узлуксиз фаолият юритиб келаётган яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари, деҳқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилганлар, хунармандлар, касаначилар, шунингдек, уч ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат таълим ташкилотлари ҳамда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга юридик ва жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин.

Лойиҳанинг афзаллиги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағлар учун револьвер тарзда 3 йилгача муддатга йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада 1,5 миллиард сўмгача кредит ажратилади ёки асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг берилди. Бунда 100 миллион сўмгача кредитларни гаровсиз, 150 миллион сўмгача кредитларни гаров талаби 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ажратиш имконияти назарда тутилган. Шунингдек, яна қатор талабларга мос тадбиркорлик субъектлари молиявий қўллаб-қувватланади.

Афсуски, ўтган вақт давомида қарор ижросида, тўғривоғи, талабга мос тадбиркор топишда муаммо кузатилмоқда. Бунни қуйидаги рақамларда кўриш мумкин. 2024 йил 19 февраль ҳолатига 34 684 та ариза (3,4 трлн. сўмлик) келиб тушган. Ушбу аризаларнинг 69 фоизи (23 888 таси) рад этилган. 56 фоизи (19 423 таси) скорингдан ўтмасдан, 905 та аризани скорингдан ўтгач, ҳоким ёрдамчиси қайтарган. 3 560 та ариза ҳоким ёрдамчисидан ўтган, лекин «Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳи» рад этган. 4 005 та аризага «Лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш гуруҳи»дан рухсат берилган (11,5 фоиз) бўлса-да, 77 тасигина кредит учун тасдиқланган. Яъни, яқунда барча босқичлардан ижобий ўтгандан сўнг Марказда ўқиб, имтиҳонни муваффақиятли топшириб, бизнес-режасини химоя қилган 77 та ариза эгасига (7,2 млрд. сўм) кредит ажратилган. Ваҳоланки, ҳар бир маҳалладан биз нафардан тадбиркорни ушбу тизимдан ўтишига кўмаклаша олинганда, хозирда бу рақам 9 минг нафардан ортирди. Қанча иш ўрни яратилишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ушунга нима учун ҳоким ёрдамчилари ўз ҳудудда ушбу шартларга мос тадбиркор топа олмапти? Муаммо нимада? Саволимизга Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги мутахассисларидан жавоб кутиб қоламиз.

2-с.

“Еттилик” ечмайдиған муаммо йўқ

Сайёжар ИСМАТОВ.

Давлат раҳбари Хива туманидаги “Истиқлол” маҳалласида бўлиб, аҳолининг яшаш шaroити билан яқиндан танишди.

Яқин йилларгача одамлар маҳаллага битта масала билан — ишга ёки ўқушга маълумотнома сўраб мурожаат қиларди. Йиғин ходимларини-ку, қишлоқларни айтмас, кўпчилик танимасди. Бугун маҳалла ислохотлар марказида, йиғин етакчиларини барча аҳоли беш қўлдай билади. Зеро, пухта ўйланган стратегия — “еттилик” тизими ўзига хос кучга айланди. Энди одамлар ҳар қандай масалага шу ернинг ўзида ечим топапти. Маҳалла давлат ва аҳоли ўртасида кўприк бўла олсагина қутилган натижаларга эришади.

“Истиқлол” маҳалласида 3 минг 200 нафарга яқин аҳоли яшайди. Бу ерда 10 та ишлаб чиқариш корхонаси, 30 га яқин

хизмат кўрсатиш шохобчаси, ёндош ҳудудда фермер хўжаликлари мавжуд. Яқинда маҳалла идораси биноси таъмирланиб, тўлиқ жиҳозланди. Ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб ва тиббиёт масканида барча шароитлар бор.

Давлат раҳбарининг маҳалладаги илк суҳбати “еттилик” вакиллари билан бўлди. Маҳалла фаоллари Президентга одамларнинг турмуш тарзи, даромади, ёшларнинг муваффақияти ҳақида сўзлаб берди. Мулоқотда халқни рози қилишда маҳалла тизимидagi самарали фаолият, ҳамжиҳатлик муҳимлиги кайд этилди. Бунда қуйи бўғиндаги давлат вакиллари ўзларига берилган ваколатдан фойдаланиб, одамларни рози қилиши кераклиги таъкидланди. Ишбилармонлиги камайитириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш доимий вазифа экани айтилди.

2-с.



“Истиқлол” маҳалласида одамлар, асосан, сервис, тадбиркорлик, касаначилик ва деҳқончилик билан банд.



2030 йилгача ҳар йили шифохоналардаги ётоқ ўрнини 3 700 тасга ошириш зарурати туғилмоқда.

Яширин иқтисодиётни қандай қисқартириш мумкин?

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнида яширин иқтисодиётнинг қўламини қисқартириш доимо долзарб масалалар қаторида бўлиб келган. Яширин иқтисодиёт ўзининг табиати бўйича расмий статистикаларда кўрсатилмайдиган ва давлат назоратидан четда қоладиган иқтисодий фаолиятлар йиғиндиси. Ушбу иқтисодиёт қўламини нафақат солиқ базасининг қисқаришига, балки ижтимоий адолатсизлик ва иқтисодий ноаниқликнинг орттишига ҳам олиб келади.

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг ҳажми Гутманнинг монетар усули ёрдамида иқтисодиётдаги нақд пул ҳажми ҳамда иқтисодиётнинг долларлашув даражасини инобатга олган ҳолда баҳоланган.

5-с.

Гиёҳвандлик ортяпти. Жамоатчилик фаоллиги заруратга айланипти

Сўнги 5 йилда республика ҳудудда гиёҳвандлик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи воситаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар 74 фоизга (шу жумладан, талабалар 21 фоизга, мактаб ўқувчилари 6 баробарга) ошган. 5 728 нафар ёш (жумладан, 117 нафар талаба ва 45 нафар мактаб ўқувчиси) жавобгарликка тортилган.

6-с.



Ҳар бир ишон салбий ҳис-туйғуларини бошқара билгани керак. Хотиржам бўлиш, сабабсиз но.и.мас.лик, ҳақорат.мас.лик, дарҳол бошқ.ларни қайта тарбия.лашга уриш.мас.лик лозим.

8-с.

Оилавий низоларга қандай чек қўйиш мумкин?



Президент раислигида ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.



“ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН” ЭРКИН САВДО ЗОНАСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ.



Янги қонунга кўра, кредитни ундириш бўйича суд қарори чиқарилганда ФОИЗ ва НЕУСТОЙКА ҳисоблаш тўхтатилади.

Тоза ва яшил ҳудудга электромобиль берилди

Билиб қўйинг!



Қонунчиликда маҳаллаларда яшиллик даражасини ошириш, бунда йиғинлар масъулиятини кучайтириш, қолаверса, чиқинди йиғиш билан боғлиқ ҳолатларни тизимли ташкил этиш мақсадида фуқаролар йиғинларининг айна йўналишдаги фаолияти рағбатлантирилади. Ҳўш, бу қандай тартибда амалга оширилади?

1. Президентнинг 2023 йил 2 июндаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб, экологик тоза ҳудуд режими жорий қилинган ҳудудлардаги фуқаролар йиғинларига «экомаҳалла», «экоқишлоқ» ва «экоовул» мақоми берилди.

Бунда фуқаролар йиғинига тегишли ҳудудда:

- электр энергияси қуёш батареяларига алмаштирилади;
- йўналишли электробус ҳаракатланиши йўлга қўйилади;
- «яшил боғ» ва «яшил жамоат парк»лар ташкил этилади;
- савдо шохобчаларида пластик пакетлар савдоси тақиқланади;
- машиий чиқиндиларни саралаш, шунингдек, қайта ишланадиган чиқиндиларни қабул қилиш учун фондоматлар ўрнатилади.

«Экомаҳалла», «экоқишлоқ» ва «экоовул» мақомини ҳудудда яшовчи фуқаролар розилиги билан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги беради.

2. Президентнинг 2023 йил 24 ноябрдаги “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «яшил макон» умумий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорлиқни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда ҳар йили «Энг яшил маҳалла» танловини ўтказди.

Танлов натижалари бўйича ғолиб бўлган 14 та маҳаллага Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

- маҳалланинг тегишли жамғармасига дарахтлар экиш ва суғориш, «яшил жамоат парк»ни яратишга жами 500 миллион сўмдан ўтказиб берилди;
- ўзини ўзи бошқариш органларига хизматда фойдаланиш учун 1 тадан электромобиль харид қилинади.

3. Президентнинг 2024 йил 6 январдаги “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ҳар йили «Энг тоза маҳалла» танлови ўтказилди.

Танлов натижалари бўйича ғолиб бўлган 14 та маҳаллага Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

- маҳалланинг тегишли жамғармасига чиқинди йиғиш майдончаларини қуриш, маҳалладаги ижтимоий объектларга чиқинди контейнерларини ўрнатиш ва дарахтларни экиш учун жами 500 миллион сўмдан ўтказиб берилди;
- хизматда фойдаланиш учун 1 тадан электромобиль харид қилинади.



Ўрганишлар давомида 531 та маҳалланинг ҳар бирида омбор китоблари шакллантирилди. Ушбу йўналишда ҳар бир кўча “маҳалла еттилиги” аъзоларига тақсимланди.

“ХОРАЗМ ТАЖРИБАСИ”: Ҳар бир маҳаллада “йўл харита” бор

Республика ишчи гуруҳи Хоразм вилоятидаги маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини мустақкамлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини самарали ташкил этиш йўналишларида “Хоразм тажрибаси”ни жорий этиш ишларини амалга оширди. Бунда дастлаб аҳолининг демография ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир жами 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткич бўйича 531 та маҳалланинг баланси шакллантирилди. Шу асосда 13 та туман (шаҳар)нинг ҳамда вилоятнинг умумлашма баланси ишлаб чиқилди.

Ишчи гуруҳлари аҳоли кайфиятига таъсир қилувчи муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш йўналишида 92 мингга яқин хонадон ҳамда 1 005 та ижтимоий соҳа объектини манзилли кўздан кечирди. Ўрганишлар жараёнида аҳолидан келиб тушган жами 4 427 та муаммоли масаланинг 2 881 таси (51,5 фоиз) ҳудуддаги масъуллар билан биргаликда жойида ҳал этилди.

Қолган 2 146 та (48,5 фоиз) масалани бартарарф этиш мақсадида ҳар бир маҳалла, туман (шаҳар) ва вилоят кесимида “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Вилоятда маҳалла, сектор, туман ва вилоят кесимида бандлик дастурлари тайёрланди. Шунингдек, 1 035 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 1 549 нафар касб-хунарлар ўрганишга йўналтирилди, 2 118 та янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, ҳар бир ҳоким ўринбосарларининг вазифалари алоҳида-алоҳида аниқ белгилаб берилди ҳамда вилоят депутатлари туманларга, туман депутатлари маҳаллаларга бириктирилди.

Ўрганишлар давомида 531 та маҳалланинг ҳар бирида омбор китоблари шакллантирилди. Ушбу йўналишда ҳар бир кўча “маҳалла еттилиги” аъзоларига тақсимланди.

Маҳаллалар нуфузини ошириш, тизим ходимларида садақат ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш йўналишида “Маҳалла бюджетини” тизими барча маҳаллаларга татбиқ этилди. “Маҳалла еттилиги”нинг кунлик, ҳафтлик, ойлик, чораклик иш режалари, намунавий бир ойлик тадбирлар дастури тайёрланиб, ҳафтанинг ҳар бир кунига рамзий номулар берилди.

Бунда душанба кунини – маданият ва санъат, сешанба – оммавий ва миллий спорт, чоршанба – маънавият ва маърифат, пайшанба – жиноятчиликни олдини олиш, жума – саломатлик, шанба – тадбиркорлик ва бандлик кунлари этиб белгиланди.

Фаолиятда жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун 17 нафар маҳалла ходими лавозимидан озод қилиниб, уларнинг ўрнига садақатли, тажрибали ва ватанпарвар кадрлар ишга қабул қилинди. Ўз биносига эга бўлмаган 53 та маҳаллани хизмат бинолари билан таъминлаш бўйича манзилли чоралар белгиланди.

Республика ишчи гуруҳи.

Умумтаълим мактабларидаги таълим-тарбия жараёнларида маҳалла фаолларининг иштирокини ошириш йўналишида ҳар бир маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси эрталаб мактаб ҳудудида мактаб директори билан бирга ўқувчиларни кутиб олиши ва даволат билан жиддий шуғулланиши амалиёти жорий этилди. Натижада мактабларда даволат вилоят бўйича ўртача 88,4 фоиздан 99,2 фоизга ошди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда айрим тоифадаги ёшлар билан манзилли ишларни олиб бориш йўналишида вилоятдаги маҳаллаларда 7 та тоифадаги (оғир тоифадаги ёшлар, жиноятчиликка мойил ёшлар, миграциядаги ёшлар, ишсиз ёшлар, ўқувчилар, талабалар) 187 795 нафар ёш секторлар кесимида номма-ном бириктирилди.



Республика ишчи гуруҳининг Хоразм вилоятидаги ўрганишлари давом этмоқда.

“Еттилик” ечмайдиган муаммо йўқ

“Тизим маҳалланинг днагнозини қўяди, қадрият ишлаши керак”

КУН НАФАСИ

— Маҳалла раисларининг ваколати, обрўси оширилди, — дейди “Истиклол” маҳалласи раиси Отабек Жуманиёзов. — Авваллари фақат йиғин раиси маҳаллага жон куйдирган бўлса, бузун етти киши маҳалланинг иссиқ-совуғига жавобгар. Биз учун бу тизим тарихий жараён саналади. Президент “Тизим маҳалланинг диагнозини қўяди, қадрият ишлаши керак”, — деди. Давлат раҳбарига маҳаллани жиноятдан, ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришга ваъда бердик. Уйламанки, “еттилик” вакиллари ҳамжиҳат ишласак, бир-биримизни қўллаб-қувватласак, бу амалга ошмайди деган юмуш эмас. Умуман олганда, Президент ташрифидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, одамлар мамнун.

Дарҳақиқат, ҳамма нарсанинг ечими бор. Мисол учун, ишсизлик масаласини ким ҳал қилади, биринчи навбатда, албатта, тадбиркор. Демак, тадбиркорларни маҳаллага олиб келиш керак, ишсизларни улар билан боғлаш лозим. Вилоятда 531 та маҳалла бўлса, ҳар бирининг “драйвер” соҳалари аниқланган. Масалан, “Истиклол” маҳалласида одамлар, асосан, сервис, тадбиркорлик, касаначилик ва деҳқончилик билан банд. Шавкат Мирзиёев маҳаллаларда бўлганда бирор хонадонда меҳмон бўлиши яхши аънаънага айланган. Бу одамлар билан янада яқин бўлиб, самимий суҳбатлашишга хизмат қилади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Президент мазкур маҳаллада яшовчи Собиржон Матжонов хонадонига

Президент мазкур маҳаллада яшовчи Собиржон Матжонов хонадонига ташриф буюрди.



Хонадон томорқаси — бу оиланинг “ташриф қоғози”.

ташриф буюрди. Оила бошлиғи кишлоқ хўжалиги илмини яхши билади. Хонадон томорқаси — бу оиланинг “ташриф қоғози”. Беш сотих жойда ҳаммаси бор: рўзгорга керакли гушт, тухум, балиқ, мева-сабзавотлар хонадоннинг ўзидан чиқади.

— Очиғи, Президентнинг хонадонимизга ташри-

фини кутмаганим, — дейди Собиржон Матжонов. — Ҳаяжондан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Боси Президент билан юзма-юз учрашиб, гап-лапишни ҳеч қачон ҳаёлимга келтирмаганман. Самимий сўзлари, тақлиф ва тавсиялари биз учун катта шараф бўлди. Ўзим томорқада 7х12 метр ўлчамга эга иссиқхона

қуриб, қулупнай етиштиришни йўлга қўйганман. Бу ердан бир мавсумда 20 миллион сўмгача даромад олиш мумкин. Қулупнай тағига атиргул кўчати экилган. Қулупнай мавсуми тугагач, иссиқхонада помидор, бодрина, кўкат парваришлаймиз. Шунингдек, уй шароитида балиқчиликни ташкил этганмиз. Ҳозирда ярим тоннага яқин балиқ боқялтим. Парвариш қилинаётган парранда — юздан ортиқ товуқ, мингга яқин бедана оилага қўшимча даромад келтирмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, 2024 йилда камбағаллик даражасини 10 фоизгача тушириш режалаштирилган. Албатта, бу жараён бандлик билан бевосита боғлиқ. Президент топшириғига кўра, бу йил мамлакатда 60 минг 500 гектар ер ёшларга маҳалла тақлифи асосида бўлиб берилди. Шунга кўра, “Истиклол” маҳалласида яшовчи вақтинча ишсиз 21 нафар ёшга 20 сотихдан ер ажратилди. Агар ҳар гектар ердан йилга уч марта ҳосил олиб, 25 минг долларгача фойда қўриш мумкинлигини ҳисобга олсак, мана шу эзуликнинг аҳамиятини ҳис қиласиз.

Суҳбатда аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, ёшларни меҳнатга ўргатиб, касб бериш муҳимлиги, бунинг учун давлат барча шарт-шароитларни яратиши таъкидланди. Ишсизларга деҳқончилик учун ер бериш тажрибасининг Хоразм учун аҳамияти катталлиги айтилди.



Давлат таъминлайдиган ПРОТЕЗ МОСЛАМАЛАРИ ва реабилитация воситаларининг турлари кенгайтирилади.



САМАРҚАНДДАН ТОШКЕНТГА қўшимча йўловчи поездлар ҳаракати йўлга қўйилди.



“Uzbekistan Airways” АЖ Наврўз байрамига 30 ФОИЗЛИК ЧЕГИРМА эълон қилди.

Субсидия олиш учун маҳаллий меҳнат органига ёки my.gov.uz портали орқали мурожаат қилиш мумкин.

Касаначини қўлаган тадбиркор қанча субсидия олади?



Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

“Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан “Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган.

Ушбу низомга мувофиқ, касаначиликни ташкил қилган тадбиркорларга Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдоридан маблағ ажратилади.

Бундан ташқари, 2025 йил 1 январга қадар касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда;

касаначилик ёки хунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи бўйича база-

БИЛАСИЗМИ?

вий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда; касаначиларни касб-хунарга ўқитишга сарфланган харажатларни уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда;

нодавлат таълим ташкилотларида касаначилик йўналишида ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчига касбга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ошмаган миқдорда субсидия ажратиш белгиланган.

Субсидия олиш учун ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида маҳаллий меҳнат органига ёки ЯИДХП (my.gov.uz) портали орқали мурожаат қилиши мумкин. Мурожаатда касаначи маълумотлари, субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварақ ва манзили кўрсатилади. Мурожаат 3 иш кунинда қўриб чиқилади.

Субсидия ажратиш куйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин: хужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаганида; касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси Ягона электрон шартномалар порталида рўйхатдан ўтказилмаганида; касаначининг дастлабки 3 ой давомидаги даромади ҳақидаги маълумот ҳаққонийлиги тасдиқланмаса.

Мурожаат рад этилганида 1 кунда бу ҳақида мурожаатчига хабар берилади.

Субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилинганда 5 иш кунинда субсидия мурожаатчига ўтказиб берилади.

● **Субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилинганда 5 иш кунинда субсидия мурожаатчига ўтказиб берилади.**

● **Мурожаат рад этилганида 1 кунда бу ҳақида мурожаатчига хабар берилади.**

Бир неча йиллик саъй-ҳаракатимиз натижасида маҳалладаги барча йўллар, ҳатто ички кўчалар 100 фоиз асфальтланди.

“Ишсизликни тугатишда тадбиркорларга таяндик”

Комил НОСИРОВ, Самарқанд шаҳридаги “Қир” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ҳоким ёрдамчиси лавозимига ўтгунга қадар маҳалла раиси сифатида ишлаганман. Халқнинг кундалик ҳаёти, дарду-ташвиши билан яқиндан таниш бўлганман.

Маҳаллада асосан, яққа тартибдаги уйлар — ҳовиллар, шунингдек, кўп хонадонли уйлар бор. Жами 523 та хонадонда 3 486 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий “драйвер” — савдо-сотик ва ишлаб чиқариш. Учта йирик лидер тадбиркорлик субъекти — Sam antep gilam кўшма корхонаси, Bionur medservis клиникаси ва “Самарқанд Афросиёб парранда” корхонаси билан бирга 60 дан зиёд гранит ва йўлақлар учун плитка ишлаб чиқариш корхонаси фаолият олиб бормоқда.

Худуддаги жаҳонга машҳур Улуғбек обсерваторияси, шунингдек, автомобиллар эҳтиёт қисмлари сотиладиган йирик бозор маҳаллада жойлашгани тадбиркорлар учун катта имконият яратди. Масалан, кўплаб хонадонларда машҳур Самарқанд нонлари ёпилиб, сотувга чиқарилади.

Маҳалла аҳолисининг аксариятини шу ерда туғилиб, ўсган кишилар ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, маҳаллада яшовчиларнинг кўпчилигини доимий иши бор ёки тадбиркорликнинг бирор-бир тури билан шуғулланади. Худудда бировнинг кўлига қараб қолган камбағал оила йўқ ҳисоби.

Аввал маҳаллада истиқомат қилиб, ёрдамга муҳтож бўлганлар рўйхатида 23 киши киритилган эди. 2 нафари ишга жойлаштирилиб, қолганга субсидия орқали асбоб-ускуна олиб берилди. Зарур ҳолларда бозорда талабгир бўлган янги касбларга ўқитилди. Шу орқали ишсизликни тугатдик. Меҳнат мигрантлари билан доимий алоқа йўлга қўйилган.

Юқорида таъкидлаганимдек, ҳоким ёрдамчиси сифатида иш олиб боришимда аввал раис бўлганим қўл келди. Аҳоли маҳалланинг Telegram канали орқали ўз муаммоларини мутасаддиларга етказишлари мумкин.

Ҳозирги пайтда ҳаракат қилган, ишлаган одам даромад

ТАЖРИБА



топиши учун барча шароит мавжуд. Масалан, оддий нон ёпиб, оила тебратиш, етари даромад олиш мумкин. Бир неча фуқароларга нонвойлик фаолиятини йўлга қўйишда ёрдам бердим. Маҳалла орқали 7 нафарига савдо расталаридан жой ажратдик.

Бундан ташқари, субсидия асосида Воҳидназар Бозоров, Асад Ботировларга мотоциклов берилиб, Зулайхо Бойматовга гўзаллик салони очиш учун кредит ажратилди. Шунингдек, 2 та хонадон эгасига тикуччилик цехи, 2 нафар талабгорга хусусий болалар боғчаси очиши ва касаначилик билан шуғулланиши истаган 6 нафар фуқарога кредит маблағлари берилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда бу корхоналар муваффақиятли ишламоқда. Ҳар бирида 5-10 киши доимий иш жойига эга. Қолаверса, ишсизликни бартараф этишда маҳалладаги лидер тадбиркорларнинг хиссаси катта бўляпти. Бу ерда дарвоза ясовчи, тунукага ишлов берувчи корхоналар кўп.

108 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган, 6 кишига моторолер олиб берилди. Улар фойдали иш билан шуғулланиб, оиласини моддий жиҳатдан таъминламоқда. Мирзомиҳидин Фахриев гранит ва йўлак плиткиси ишлаб чиқариш корхонасига асос солган. Унга дастлаб маҳалла орқали 3,3 миллион сўм имтиёзли кредит берилган. Натижада тадбиркор фаолиятини янада кенгайтирди. 20 та янги иш ўрни яратди. Жорий йил яна 100 миллион сўм кредит ажратишга тавсия қилдик.

Тадбиркорлик ривожига ҳудуд инфратузилмаси муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бизда муаммо йўқ. Электр энергияси, табиий газ ва тоза ичимлик сув билан тўлиқ таъминланган. Бир неча йиллик саъй-ҳаракатимиз натижасида маҳалладаги барча йўллар, ҳатто ички кўчалар 100 фоиз асфальтланди. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудидаги ҳовиллар марказлашган канализация тизимига уланди. Кўчаларга тунги ёриткич ўрнатилди, тиббиёт пунктининг эскириб қолган биноси қайта таъмирланди.

Бир сўз билан айтганда, халқнинг турмуш даражаси ошгани сайин давлатга, ислохотларга ишончи ортиб бормоқда.

Фуқароларни тўловга қобилиятсиз деб топиш мумкинми?

Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича қонунчиликни соддалаштириш мақсадида соҳага оид қатор норматив ҳужжатлар танқидий қайта кўриб чиқилди. Бу жараёнда эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқ ва ёвлар бекор қилинди. Натижада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.



2022 йил 12 апрелда қабул қилинган “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонун соҳадаги изчил ислохотларнинг мантқий давоми бўлди. Қонун қабул қилинган, ўз навбатида мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унга мослаштириш керак эди. Шу мақсадда жорий йил 21 февралда Президент «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунни имзолади. Ҳужжат билан мавжуд кодексларга,

қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Фуқаролик кодексига киритилган қўшимчага кўра, жисмоний шахс пул мажбуриятлари бўйича кредитларнинг талабларини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ёки солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, суд уни тўловга қобилиятсиз деб топиши мумкин.

Солиқ кодексига киритилган қўшимчага кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд санацияси ёки ташқи бошқарув жараёнида юзага келадиган барча турдаги жорий солиқ тўловларини

тўлаш, суд ажрими асосида жорий этилган суд санацияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомилнинг муддатида тўхтатиб турилади. Бу ҳолда суд ажрим чиқарган санадан эътиборан мазкур солиқ қарзлари 6 ой ичида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўланади.

Шунингдек, банкрот деб топилган қарздор юридик ва жисмоний шахсларнинг ёки яққа тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкани сотишдан тушган маблағларнинг қарзни тўлашга йўналтирилган қисми даромад сифатида ҳисобга олинмаслиги белгиланди. “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга киритилган қўшимчага кўра, суд бошқарувчиси тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш жараёнида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун даъво аризалар ҳамда бошқа аризалар билан давлат божини тўламасдан судга мурожаат қилиши мумкин бўлди.

Бу ҳужжат билан «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонуннинг ижроси самарали ташкил этилади, ҳуқуқий қоидаларни қўллашда турлича талқинлар ва қарама-қаршиликлар бартараф этилади.

А.ИКРОМОВ, Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари – Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати раиси, У.САЙДАҲМЕДОВ, Тошкент вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси, ю.ф.д. (PhD), доцент.

Ота маҳалла раиси, ўғил ҳоким ёрдамчиси бўлса...

Тахририятга турли масалаларда ҳуқуқий ёрдам сураб мурожаатлар келиб тушади. Улардан бирида шундай дейилади: **маҳаллада ота — раис, ўғил — ҳоким ёрдамчиси сифатида ишлаши мумкинми?**

Лобар РОЗИМОВА, ҳуқуқшунос:

— “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунга кўра, ўзаро яқин қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахсларнинг (отана, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат ташкилотидан бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса, тақиқланади.

Содда қилиб тушунтирганда, сиз давлат ташкилотидан департамент раҳбари бўлсангиз, туғишган укангиз қўлингизда бош мутахассис бўлиб ишлаши мумкин эмас. Лекин Конституцияга кўра, умумий ташкилотда ишлаш ҳуқуқига эга. Қонунда тўғридан-тўғри сизнинг раҳбарлигингиздаги яқин қариндошларингиз ишлаши мумкин эмаслиги аниқ чеклов билан белгилаб қўйилган.


Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги тегишли қарорига асосан, мазкур қоидага нисбатан бир қатор истиснолар белгиланган бўлиб, унда қариндош-уруғларнинг ўзаро бўйсунув тартибидан ишлаши мумкин бўлган касблар рўйхати келтирилган. Хусусан, ушбу рўйхатда барча ўқув ва тарбия муассасаларида педагог ходимлар, ўқитувчилар, библиографлар ва кутубхоначилар, соғлиқни сақлаш муассасаси шифокорлари, театр артистлари, архив ходимлари ва шунга ўхшаш 16 турдаги касб эгалари ўз яқин қариндошлари билан ўзаро бўйсунув тартибидан ишлаши мумкинлигини айтилган.

Юқоридагидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу рўйхатга маҳалла ходимлари киритилмаган. Шу боис ота-ўғилнинг битта маҳаллада раис ва ҳоким ёрдамчиси сифатида ишлаши мумкин эмас.

МЕНДА САВОЛ БОР...



Хоразмда
Хитой тажрибаси
асосида
"ЎЙ САНОАТИ"
ривожлантирилади.



Саноатни
ривожлантириш
жамғармасидан
Хоразмга
100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР
ажратилади.



Хоразмда
қиймати 10
МИЛЛИАРД ДОЛЛАРдан
зиёд йирик газ-кимё
мажмуаси барпо
қилинади.

БИЛАСИЗМИ?

Ногиронларнинг
репетитор
харажатлари
қоплаб берилди

Хукумат қарори билан
ногиронлиги бўлган ёшларга
ўқиш, яшаш ва транспорт
харажатларини қоплаш учун
субсидия ажратишнинг маъмурий
регламенти тасдиқланган.

Унга кўра, ногирон ёшларга
нодавлат таълим ташкилотларида
касб-хунар, дастурлаш,
умумтаълим фанлари ва хорижий
тилларни ўргатиш, зарур
холларда яшаш ва транспорт
харажатларини қоплаш учун
БХМнинг 50 бараваригача
субсидия ажратилади.

Субсидия олиш учун исталган
давлат хизматлари марказига
муружаат қилинади ёки ЯИДХП
орқали давлат хизматидан
электрон тарзда фойдаланиш
учун рўйхатдан ўтилади.

Аризага куйидагилар илова
қилинади:

Ўқиш харажатлари учун
субсидия олишда:

ариза боланинг қонуний
вакили томонидан берилса,
унинг шахсий идентификация рақами
ва боланинг қонуний вакили
эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;
нодавлат таълим ташкилоти
томонидан ариза берувчинини
ўқитиш тўғрисида шартноманинг
электрон нусхаси;
яшаш ва транспорт
харажатлари учун субсидия
олишда:

йўл харажатларини
тасдиқловчи ҳужжатларнинг
электрон нусхалари;

ижара шартномаси ва
унинг солиқ органларида
ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги
билдиришноманинг электрон
нусхаси.

Субсидия ажратиш ҳақида
электрон тизимга маълумот
киритилади ва бу ҳақида ариза
берувчига SMS-хабарнома
юборилади. Нодавлат таълим
ташкилоти жойлашган ҳудуддаги
маҳалланинг ёшлар етакчиси
зиммасига ариза берувчининг
нодавлат таълим ташкилотидан
ўқишини жойига чиққан ҳолда
мониторинг қилиш вазифаси
юклатилади.

Давлат хизматларини
кўрсатиш жараёнида ариза
берувчиларга оид маълумотлар
сир сақланади.

Қимларга
34 миллион
сўмгача маблағ
берилди?



"Ногиронлиги бўлган шахснинг
ва таркибида ногиронлиги бўлган
шахс бор оиланинг электрон
онлайн-аукцион орқали ер
участкасини сотиб олиш билан
боғлиқ харажатларини қоплаб
бериш тартиби тўғрисидаги
низоми тасдиқлаш ҳақида"ги
Вазирлар Маҳкамасининг
қарори билан тасдиқланган
низомага асосан, ер участкасини
аукцион орқали сотиб олиш
харажатларидан келиб чиққан
ҳолда, оиласи таркибида
ногиронлиги бўлган шахслар
сонидан катти назар, БХМнинг
100 баравари (34 млн. сўм) гача
миқдорда бир марталик тўлов
ажратилади.

Бунда имтиёзли тоифадаги
шахслар куйидаги мезонларга
тўғри келиши керак:
охириги 12 ой давомида
ўзи ёки оила аъзолари номидан
яшаш учун мўлжалланган турар
жойи ёки ер участкаси мавжуд
бўлмалиги;
ер участкаси охириги 3 ой
ичида аукцион орқали харид
қилинган ва Ўзбекистон ҳудудида
бўлиши;
ногиронлиги бўлган шахс
деб топилган, шунингдек, "Темир
дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар
дафтари"нинг бирида турган
бўлиши лозим.



Бизнес ва таълимда
имкониятлар кенгаяди

"Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш" йилида ёшларнинг бизнес билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жорий йилда ёшлар ўртасида тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилади.

Шунингдек, 2024 йил 1 июндан бошлаб, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан "Ёш тадбиркор" танлови ўтказилади. Ушбу танлов «Маҳалла-туман-вилоят-республика» босқичларида ўтказилиб, истиқболли бизнес лойиҳа ва ғоялар саралаб олинади. Бунда, ногиронлиги бўлган ёш тадбиркорларнинг лойиҳа ва ғояларига алоҳида эътибор қаратилади.

Республика босқичида саралашдан ўтган ҳар бир лойиҳага базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача миқдордаги имтиёзли кредит ажратилади. Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи лойиҳа жорий этилади. Ушбу дастур доирасида маҳаллаларда ёшлар етакчилари бошлигида маҳалла фаоллари иштирокида ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасига қизиқувчи ёшлар аниқланиб, уларни инглиз ва бошқа хорижий тилларга ўқитиш ҳамда сертификатлар олишини ташкил этиш, сертификат олган ёшлар тўғрисида маълумотларни Рақамли технологиялар вазирлигининг махсус ахборот тизимига киритиб бориш



Муҳаммадjon ВАЛИЕВ,

Олий Мажлис
Қонунчилик палатасининг
Ёшлар масалалари бўйича
комиссияси раиси.

амалиёти жорий қилинади. Махсус ахборот тизимига киритилган ёшларни ИТ соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга йўналтириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш чоралари кўрилади.

Ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича «Устоз» махсус платформаси ишга туширилади. Ушбу лойиҳа доирасида 250 минг нафар ёш маркетинг, реклама, электрон савдо, ИТ-дизайнер каби 30 та замонавий касбга ўргатиш тизими йўлга қўйилади.

Мамлакатимизда сўнгги бир неча йил давомида ёшларнинг хорижий тилларни ўрганиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жорий йилда ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилмоқда. Ёшлар ишлари агентлиги ишлаб чиққан "Ибрат фарзандлари" лойиҳаси орқали 1 миллион ёшлар хорижий тилларга бепул ўқитилади. Мактаблардаги бўш синф хоналари чет тили репетиторлари ва ўқув марказлари учун бепул ижарага берилди. Кишлоқ жойлардаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш юқори бўлган 100 та хусусий ўқув марказининг ижара харажатлари 6 ойгача компенсация қилинади. Хусусий курсларда ўқиб, «С-1» сертификатини олган ёшларга ўқиш харажатлари, немис, француз, корейс, япон ва хитой тиллари бўйича «Б-2» даражасини сертификатини олиш харажатлари қоплаб берилди. Шунингдек, жорий йилда нафақат сертификат олишдаги имтиҳон харажати, балки олти ойлик ўқиш пули ҳам тўлаб берилди.

Бир сўз билан айтганда, жорий йил юртимиз ёшлари ҳаётида катта имкониятлар эшиклари очилиб, уларга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Зеро, ёшлар мамлакатимизнинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир.

ТАЖРИБА

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДАГИ ТАШАББУСЛАР
ТЎХТАГАНИ ЙЎҚ

Хусниддин МУСАХОНОВ,
Наманган шаҳридаги
"Олвализор" маҳалла ёшлар етакчиси.

Маҳаллада 7 400 нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Шундан 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 4 102 нафар. Хатловга кўра, но-расмий банд бўлган фуқаро 391 нафар, мигрант 21 нафар, ўзини ўзи банд қилган 125 нафар, меҳнатга лаёқатсиз 7 нафар, давлат ҳамда хусусий секторда расмий банд 95 нафар, таълимда расмий банд 293 нафар, ишлаш имконияти йўқ ёш 261 нафарни ташкил этди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг 157 нафари "Ёшлар дафтари"га олинган. 2023 йилда 64 нафар ёшга турли хилдаги ёрдам кўрсатилди. Жумладан, умумий ҳисобда 162 миллион 425 минг сўм моддий ёрдам ажратилди.

2023 йилнинг ўзига маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси ҳамкорлигида 56 нафар ёшнинг "Ёшлар бандлик дастури" доирасида мактаб, профессионал таълим ва олий таълим муассасаларида бандлигига кўмаклашилди. Қолаверса, маҳалланинг хунармандчиликка ихтисослашувидан келиб чиқиб, "устоз-шогирд" аъёнаси асосида ёшларимиз хунармандларга



бириктирилмоқда. Масалан, мебелчи Акрамjon Аҳмаджонов 24 ёш бўлишига қарамай 50 нафардан зиёд тенгдошларига хунар ўргатмоқда. Хозирда тайёрлаётган ишларнинг бозори чаккон. Ёшлар ишлари агентлиги Наманган шаҳар бўлими ташаббуси билан маҳалладаги оғир тоифадаги ёшлар ўртасида ўтказилган "Касблар танловида" О.Ҳамидова аёллар сартарошлиги йўналишида фахрли 1-ўринни олди. Ҳалабадан руҳланган ҳолда танловнинг жорий йилги босқичида ўзи ва 5 нафар ёш шогирдини жалб қилиб, фаол иштирок этиш хоҳишини билдирди.

Энг фаол ва иқтидорли ёшларимиздан яна бири Азизбек Насимjonов Наманган давлат университетининг 3-босқич талабаси. Спортнинг дзюдо тури бўйича 2 қарра Осиё чемпиони. 2021 йилда Россияда ўтказилган чемпионатнинг олтин медали соҳиби. Умуман, маҳаллада спорт билан шуғулланувчи ёшлар сафи анча кенг. 2023 йилда "Беш ташаббус олимпиада"сининг маҳалла босқичида 300 нафар йигит-қиз иштирок этгани фикримиз исботи. Танловнинг шаҳар босқичида қатнашган 20 нафар ёшнинг 7 нафари вилоят босқичида фахрли ўринларни кўлга киритди.

2023 йил ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган "Йилнинг энг намунали ёшлар етакчиси" кўрик-танловининг "Ёшлар дафтари"да турувчилар билан ишлаш йўналишида шаҳар босқичида фахрли 1-ўринни эгалладим.



“Тошкент” аэропорти махсус техника парки ЯНГИ АВТОБУСЛАР билан тўлдирилди.



“Яшил энергия” қувватларини барпо этиш бўйича уч йиллик дастур амалга оширилади.



Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятида 6 та йирик ва кичик ГЭС фойдаланишга топширилди.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚАНДАЙ ҚИСҚАРТИРИШ МУМКИН?

Достон ЖАЛИЛОВ,
Макроиктисодий ва
ҳудудий тадқиқотлар институти
етақчи илмий ходими,
Муҳаббат АҲМЕДОВА,
лойиха раҳбари.



2030 йилгача

ҳар йили касалхоналардаги ётоқ ўрини 3 700 тага ошириш зарурати туғилмоқда.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ КЎЛАМИ ҚАНДАЙ?
2005-2022 йилларда яширин иқтисодиёт ҳажми 31 фоиздан 53 фоизгача етган. 2017 йилда мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар доирасида пул-кредит ва валюта сибсатининг эркинлаштирилиши натижасида нақд пул ҳамда валюта олди-сотдиси билан боғлиқ муаммолар бартараф этилди.
Бу, ўз навбатида, иқтисодиётда нақд пул ҳажмининг ошишига таъсир қилиб, яширин иқтисодиёт кўламини расмий иқтисодиётга нисбатан салкам 59 фоизгача ошишига олиб келди. Лекин кейинги йилларда муомаладаги банк пластик карталари, терминаллар, банккомат ва инфокиосклар сонининг сезиларли даражада кўпайиши натижасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланиши, шунингдек, солиқ ислохотларининг амалга оширилиши яширин иқтисодиёт ҳажмининг 2018 йилдаги 55 фоиздан 2021 йилда 42 фоизгача камайишига хизмат қилди.

2022 йилда Ўзбекистонга пул ўтказмаларининг кескин даражада ошиб кетиши натижасида иқтисодиётда нақд пул массаси кўпайди. 2022 йилда муомаладаги нақд пул массасининг ўртача миқдори 2021 йилдагига нисбатан 43,5 фоизга ошиши натижасида яширин иқтисодиёт ҳажми 53 фоизгача кўпайди.

Мазкур даврда нақд пул ҳажмининг кўпайиши бир томондан аҳоли томонидан тижорат банкларига сотилган чет эл валюталари миқдорининг 2021 йилдагига нисбатан 1,7 баробар ошгани билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан Россия-Украина можароси туфайли юзага келган ноаниқликлар реал секторда нақд пулга бўлган талабнинг ошишига олиб келди.

МУОМАЛАДАГИ НАҚД ПУЛ МИҚДОРИ
Иқтисодиётда долларлашув даражасининг юқорилиги сақланиб қолётган шартда миллий валюта билан биргаликда нақд чет эл валюталаридан (АҚШ доллари ва евро) ҳам алмашув воситаси сифатида

банклари аҳолидан 4,6 млрд. АҚШ доллари миқдорига валюта сотиб олган бўлса, аҳолига сотилган валюта миқдори 4,13 млрд. АҚШ долларини ташкил этган (аҳоли қўлида қолган миқдор – 5,5 млрд. АҚШ доллари).

2021 йилда пул ўтказмалари миқдори 8,1 млрд. АҚШ долларига етган бўлса, аҳолидан сотиб олинган валюта ҳажми 7,1 млрд. АҚШ долларини ва аҳолига сотилган валюта миқдори 4,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган (аҳоли қўлида қолган миқдор – 5,6 млрд. АҚШ доллари).

Ушбу кўрсаткичлар 2022 йилда мос равишда 16,9 млрд. АҚШ доллари, 11,9 млрд. АҚШ доллари ва 8,9 млрд. АҚШ долларини (аҳоли қўлида қолган миқдор – 14 млрд. АҚШ доллари) ташкил қилган.

2020-2022 ЙИЛЛАРДА ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИДАН СЎТИБ ОЛИНГАН ВА УЛАРГА СЎТИЛГАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ ҲАЖМИ


– касалхоналарда қўшимча 10 000 та ётоқ ўрни ташкил қилиш;
– 50 та тез ёрдам автомобиллини сотиб олиш;

– бир йил давомида 293 миң нафар шифокорнинг ойлик маошини тўлаб бериш имконияти яратилган бўларди.

Бугунги кунда республикада кузатилаётган юқори туғилиш кўрсаткичи ақин келажақда ижтимоий соҳа объектларида жуда катта босим ўтказиши кутилмоқда. Бу мактабларда қўшимча ўқувчи ўринларини ва касалхоналарда ётоқ ўринларини ташкил этишни талаб этади. Кутилаётган аҳоли прогнозларига кўра, **2030 йилгача ҳар йили касалхоналардаги ётоқ ўрини 3 700 тага ошириш зарурати туғилмоқда.**

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Аввало, бюджетлаштириш жараёнларида шаффофлик, бевосита иштирок этиш ҳамда ижтимоий масъулиятни ошириш зарур. Чунки солиқлар нимага сарфланиши доимий эслатиб борилиши аҳоли орасида солиқ тўлаш маданиятини оммалаштириш ҳамда ижтимоий масъулиятни оширишга ҳисса қўшиши, бюджет харажатлари ва солиқ тўловлари бўйича самарали мулоқот давлат ва ташкилий жараёнларда шаффофлик, ҳисобдорлик ва жамоатчилик ишончини ошириш учун жуда муҳимдир.



Бу эса иқтисодиётдаги нақд чет эл валютаси миқдори йилдан-йилга ортиб бораётганидан далolat беради. Таъкидлаш керакки, ривожланаётган мамлакатларда яширин иқтисодиётда уй-жой олди-сотди операциялари, автомобиль, маиший ва электрон техникалар савдоларининг катта қисми, ҳатто айрим озик-овқат махсулотларининг улгуржи савдоси чет эл валютасида амалга ошириб келинади.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ КЎЛАМИНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Яширин иқтисодиётдан давлат бюджетига тушмаган маблағлар (солиқ юки ЯИМга нисбатан 18 фоиз ҳисобланганда) 2019 йилда 51 трлн. сўм (бюджет дефицити – 13,5 трлн. сўм), 2020 йилда 57 трлн. сўм (17 трлн. сўм), 2021 йилда 58 трлн. сўм (40,7 трлн. сўм) ва 2022 йилда 85 трлн. сўм (35,3 трлн. сўм) бўлгани баҳоланди.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТДАН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ТУШМАГАН МАБЛАҒЛАР
трлн. сўмда
(Солиқ юки ЯИМга нисбатан 18 фоиз ҳисобланганда)

Yillar	Yashirin iqtisodiyot hajmi (pul aylanish tezligi bo'yicha)	Budjetga tushishi mumkin bo'lgan soliqlar	Yashirin iqtisodiyot hajmi (naqd pul-davlat bo'yicha)	Budjetga tushishi mumkin bo'lgan soliqlar	Budjet defitsiti
2019	277,6	51,0	266,3	48,9	13,5
2020	307,2	57,3	263,6	49,2	17,0
2021	311,7	58,4	225,1	42,2	40,7
2022	472,5	85,0	373,5	67,2	35,3

Агар 2022 йилда яширин иқтисодиётдан давлат бюджетига тушмай қолган 85 трлн. сўм маблағнинг яри (42,5 трлн. сўм) ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланганда: – мактабларда қўшимча 2,1 миллион ўқувчи ўрни яратиши;

маданиятини ошириш учун хизмат қилади. Масалан, 2020 ва 2021 йилларда актёрлар Ли Сео Жин ва Парк Мин Ёнг солиқ элчиси этиб тайинланган. Уларнинг иккаласи ҳам Президентнинг мақтов муқофотига сазовор бўлган.

ФИЛИП / ТАКЛИФ

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

МУҲИМИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТГА ТУШУМ ОРТАПТИ

Жиззах вилоятидаги 309 та маҳаллага 202 нафар солиқ ходими бириктирилган.



Гавҳар АЛМАТОВА,
Арносов туманидаги
“Чинобод” маҳалласи
солиқ инспектори

Бугунги кунда маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторлари тадбиркорларга кўмаклашиш, солиқ базасини кенгайтириш, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишда кўмаклашиш каби 21 та йўналишда ишламоқда. Бунинг натижасида маҳаллаларда қўшимча даромад манбалари яратилиб, маҳаллий бюджет тушумлари ортапти.

Мен фаолият юритаётган “Чинобод” маҳалласида 12 та ҳўжалик юритувчи субъект бўлиб, шундан 5 таси масъулияти чекланган жамяят, 4 таси фермер ҳўжалиги, 3 таси яқка тартибдаги тадбиркор. Ҳозирда маҳалламизда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, қўшимча имкониятларни аниқлаш, ҳаракатсиз тадбиркорларни аниқлаб, фаолиятини қайта тиклаш, мавжуд муаммоларини бўйича тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатган ҳолда янги иш ўринларини яратиш, кам қувват билан ишлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали солиқ тушумларини кўпайтириш ҳисобида давлат бюджетига тушумларини сезиларли даражада ошириш чораларини кўряпмиз.

Жорий йилнинг январь ойи учун белгиланган 15,3 миллион сўм прогноз режаси 20,2 миллион сўмга ошириб бажарилди ва 113,4 фоизни ташкил этди. Қувонарлиси, жорий йилнинг январь ойида Жиззах вилоятида энг яхши натижа кўрсатган 63 нафар солиқ ходимлари ичида мен ҳам 21 та мезон асосида рағбатлантирилдим.

Келгусида солиқларнинг вақтида тўланишини таъминлашда, “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида ишни ташкил этиш фаолиятимиздаги муҳим омил саналади. Яъни, тадбиркорларнинг муаммоли масалаларини сектор раҳбари ва “маҳалла еттилиги” кўмагида ҳал этишга ҳаракат қиламиз.

Тадбиркорлар тўлаган солиқлар нафақат туманимиз, балки вилоятимиз раҳбари учун, қолаверса, маҳаллий бюджетнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.




ЯНГИЛИК

ТЕЛЕГРАМ БОТ ИШГА ТУШДИ

Солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш ҳамда уларнинг соҳага оид билимларини ошириш мақсадида Солиқ қўмитаси **solix_qonunchiligi_bot** телеграм ботини ишлаб чиқди.


Унда солиққа оид қонунчилик ҳужжатлари 30 та асосий йўналишга ажратилган. Ҳар бир йўналишни тартибга солувчи жами 300 дан ортқ қонунчилик ҳужжатлари билан **lex.uz** сайтига йўналтирилган ҳавола орқали танишиш мумкин.

Ботнинг қулайлиги шундаки, фойдаланувчи соҳага оид йўналишни танлаганда ҳавола орқали мазкур йўналиш бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳужжатининг тегишли банди очилади. Ҳурматли солиқ тўловчилар, ботни янада такомиллаштириш мақсадида ўз тақлифларингизни ботнинг тақлиф қолдириш менюсига ёзинингиз мумкин.



2022 йил 1 январ ҳолатига кўра, муомаладаги банк карталари сони 2018 йилнинг 1 январь ҳолатидагига нисбатан 1,4 баробарга, ўрнатилган тўлов терминаллари сони 1,8 баробарга, банккомат ва инфокиосклар сони 2,3 баробарга кўпайди. 2021 йилда тўлов терминаллари орқали келиб тушган тушумлар 178 трлн. сўмини ташкил қилиб, 2017 йилдагига нисбатан 2,1 баробарга ошди.

НАҚД ПУЛ ВА ДОЛЛАРЛАШУВ ДАРАЖАСИНИНГ ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИЧИ?





2023 йилда 49 нафар судьянинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилди.



АҚШ ва Германияда “ЎЗБЕКИСТОН IT-КУНЛАРИ” халқаро тадбирлари ўтказилади.



Қимматбаҳо металлари сотиб олишда ЧЕГИРМАЛАР ҚўЛЛАШ тартиби янада такомиллаштирилди.

ЭЪТИБОР

Бир-бирига қанот бўлган инсон қадрланади

Бунинг учун ҳар бир фуқарога алоҳида ёндашув керак

Мутахассислар ижтимоийлашувнинг аҳамиятини кузатиш мақсадида кичик тажриба ўтказишди. Улар қаноти синган қушни соғлом қушлар орасига қўйиб юборишади ва бир неча кун кузатади. Парвоз қилаётган қушлар орасида кундан-кунга унинг аҳволи оғирлашади. Шунда қанотини даволаб, ўзи сингари учолмай қолган шериклари орасига қўшади. У аста-секин тузала бошлайди. Кейинчалик бу қушларни уча оладиган қушлар орасига қўшиб қўйишганда ҳам аввалгидек ўзини ожиз ҳис этмайди.

Тирик жонзот борки, жамоаси унинг яшаб кетиши учун катта аҳамият касб этади. Бугун “Инсон қадр” тамойили асосида ногиронлиги бўлган, имконияти чекланган инсонларнинг муносиб ҳаёт кечирishi ва жамиятдаги ўрнини топиши учун мамлакатимизда мураккаб янги ёндашув асосида олиб борилаётган ислохотлар, албатта, эътирофга лойиқ.

Ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида барча туман ва шаҳарлардаги мавжуд маҳаллаларда комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар штатлари жорий этилмоқда.

Навий шахрида бугунги кунда 22 нафар ижтимоий ходим фаолият олиб бораёпти. “Ватан” ҳамда “Чинор” маҳаллалари ижтимоий ходими Дилноза Рустамованинг ҳудудда 195 нафар ногиронлиги бўлган шахслар, 137 нафар кам таъминланган оилалар ва 4 нафар ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ҳамда ёлғиз яшовчи фақорлар истикомат қилади.

– *Ногиронлиги бўлган ёшларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш мақсадида қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда 7 нафарини замонавий ахборот технологиялари соҳасида ўқитиб келмоқдамиз, – дейди Дилноза РУСТАМОВА. – 2 нафар ногиронлиги бўлган ёшлар параспорт билан шуғулланыпти. 5 нафар ёшлар мономарказда ўзлари хоҳлаган йўналишда таълим олмақда. Фаолиятимиз давомида Кейс менежмент услудидан фойдаланиб, ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишни ташкиллаштиряпмиз.*

Кейс менежмент бу – ҳар бир фуқарога индивидуал ёндашган ҳолда уни бирламчи ва комплекс баҳолаш асосида фуқаронинг ижтимоийлашуви таъминлаш мақсадида индивидуал режа ишлаб чиқиш. Бугунги кунгача 8 та кейс очилди. Бундан 4 тасида фуқаронинг ижтимоийлашувига эришилди. Яна 4 та кейс ҳозирги кунда кўриб чиқилмоқда. Булар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилалар ёки ногиронлиги бўлган шахслардир. “Чинор” маҳалласида яшайдиган фуқарога тиббий-экспертиза комиссияси хулосасига кўра, ногиронлик белгиланиши кутилмоқда. Бундан ташқари, хатлов ўтказиш жараёнида 1 нафар фуқаро ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кекса эканлиги аниқланиб, унга ижтимоий ходим ассистенти бириктириш чораларини кўриб чиқяпмиз.

Инсонни ҳар қандай умидсизлик ва имконсизликдан кичик бир эътибор кутқаради. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги тизимли ишлар эса келажакда жамиятда ўз ўрнини топишни истаган кўплаб имконияти чекланган юртдошларимиз учун зарур имкониятлар бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тимур БАЙБИКОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Навий вилояти бошқармаси
матбуот котиби.



Болаларга ҳимоя ордери бериладими?..

Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот технологияларининг ривожланиши билан болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳамда зўравонлиқнинг ҳар қандай шаклидан ҳимоя қилинишни таъминлаш, бу борадаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш зарурати юзга келмоқда.

ЛОЙИҲА

Шу мақсадда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган болаларни зўравонлиқнинг барча шакллари билан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси билан болаларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қонун ижросини таъминлаш бўйича ваколатли орган этиб белгиланмоқда.

Болаларга нисбатан зўравонлик шакллари амалдаги учтадан (жисмоний, жинсий, руҳий) олтитага (ғамхўрлик кўрсатмаслиги, эксплуатация, буллинг) оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан илк бор янги институт жорий қилиниб, болаларга ҳимоя ордери бериш таклиф этилмоқда. Ордер ваколатли орган томонидан зўравонлиқдан жабрланувчининг қонуний вақилига ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахсга ҳамда зўравонлиқдан жабрланувчининг ўзига берилади.

Бундан ташқари, лойиҳада ота-оналар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиши, уларга ғамхўрлик кўрсатиши ҳамда



Болаларга нисбатан зўравонлик шакллари амалдаги учтадан (жисмоний, жинсий, руҳий) олтитага (ғамхўрлик кўрсатмаслиги, эксплуатация, буллинг) оширилмоқда.

зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиши шартлиги, болаларни тарбиялашда уларни жисмоний жазолаш таъқиқланиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида таълим ташкилотларида болаларга нисбатан зўравонликка йўл қўйилмаслиги, таълим муассасаларида интизомий жазо чораси сифатида зўравонлиқнинг ҳар қандай шакли, шу жумладан жисмоний жазо ва бошқа шафқатсиз хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ёки кадр-қимматни камситувчи муомалани қўллашга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланмоқда.

Шунингдек, зўравонлик хавфи остида бўлган болалар тоифаларининг (етим, на-

зоратсиз, ақлий ривожланишда нуқсонли бор, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланаётган болалар) қонун лойиҳасида аниқ белгилаб берилганлиги, соҳадаги ваколатли органларга зўравонлиқдан жабрланган, зўравонлик хавфи остида бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда зарур ҳолларда уларга нисбатан зўравонлиқнинг олдини олишга доир яқка тартибдаги чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишига ёрдам беради.

Шунингдек, лойиҳада зўравонлиқдан жабрланган болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда уларни зўравонлиқдан ҳимоя қилишнинг умумий ва яқка тартибдаги чора-тадбирлари белгиланмоқда. Хусусан, зўравонлик курбонининг мурожаати, жисмоний ёки юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда туну кун ишлайдиган ишонч телефони орқали келиб тушган хабарлари, оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи, шу жумладан ижтимоий тармоқлардаги хабарлар болаларни зўравонлиқдан ҳимоя қилишнинг яқка тартибдаги чора-тадбирларини қўллаш учун асос бўлади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига мurosасиз муносабатда бўлиш, зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлиқнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

Бўй ўсмаслигининг сабаби нима?

САЛОМАТЛИК

Ўсиш гормони етишмовчилиги, асосан, болаларда кам учрайдиган касаллик бўлиб, бу уларда жисмоний ривожланишнинг секинлашишига олиб келади. Ушбу хасталик туғма ёки орттирилган бўлиши мумкин.

Касаллик соматотропин гормони етишмовчилиги туфайли келиб чиқади. У нафақат ўсиш, балки организмдаги умумий метаболизм жараёнида муҳим роль ўйнайди. Суяклар, мушаклар ва когнитив функцияларга таъсир қилади.

Соматотропин гормонининг организмда етарли даражада ишлаб чиқарилмаслигига ирсий аномалиялар, турли жараҳатлар, гипофиздаги ўсимталар сабаб бўлиши мумкин. Ўсиш гормонининг туғма етишмовчилиги одатда 6 ойдан 12 ойгача бўлган даврда сезилади.

Ушбу хасталик, энг аввало,



бўй ўсишининг секинлашиши билан намоён бўлади. Шу билан бирга, беморда тиш ўсиши, суякларнинг шаклланишида ҳам оқсаш кузатилиши мумкин. Касалликка чалинган болалар, айниқса, чақалоқларда учрайдиган яна бир муҳим аломат – қонда қанд миқдорининг жуда пастлиги, яъни гипогликемиядир.

Беморга аниқ ташхис қўйиш учун бир қанча лаборатория текширувлари, шу жумладан қонда ўсиш гормони миқдорининг таҳлили, суяк тизими ҳолатини баҳолаш учун рентген

текшируви, гипофизда ўсимталар бор ёки йўқлигини аниқлаш учун компьютер томографияси тайинланади. Натияжаларига кўра, шифокор томонидан тегишли даво муолажалари танланади.

Касаллик қанчалик эрта аниқланиб, даволаш тезроқ бошланса, самарадорлик шунча юқори бўлади. Шунинг учун ота-оналар фарзандларини мунтазам равишда шифокор кўригидан ўтказиб туриши, уларнинг тўғри овқатланиши ва жисмоний машқлар билан шуғулланишини назорат қилиши лозим.

БИЛАСИЗМИ?

СОВУҚДА ШАМОЛЛАМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Совуқ ҳавода, энг биринчи навбатда, гигиена қоидаларига риоя этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун кўчадан келганда албатта қўлларни совунлаб ювиш шарт. Биноларни тез-тез шамоллатиш яхши натижа беради.

Кишда тўғри овқатланиш, айниқса, таркибида С ва Д витамини бор егуликлар (балиқ, жигар гўшти, суг маҳсулотлари, тухум, мандарин, киви, қорағат (смородина), қуртилган анжир, лимон, малина каби мевалар, петрушка, ўсимлик ёғи ва табиий апельсин шарбати) ни кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Кунлик таомномага оксиген бой озиқ-овқатлар (дуккакли маҳсулотлар, ёрмалар, мол ва парранда гўшти)ни киритиш мақсадга мувофиқ.

Таркибида В витаминлари (Б1, Б2, Б6, Б12) кўп бўлган гўшт, балиқ, жигар, дуккаклилар, асал ва ёнғоқ каби маҳсулотларни ейиш тавсия этилади. Совуқ пайтда об-ҳавога мос кийиниш керак. Биринчи навбатда, шарф тақишни унутмаслик зарур. Бойси у бўйиндаги қон томирларини иссиқ сақлаб, мияга иссиқлик етиб боришни таъминлайди.

Ботир ТОЖИЕВ,
Республика эпидемиология,
микробиология, юқумли ва паразитар
касалликлар илмий-амалий тиббиёт
маркази директори.



“Prague International Chess Festival-2024” турнирида НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ чехиялик Давид Наваррани таслим этди.



“Жар” спорт мажмуасида самбо ва жанговар самбо бўйича катталар ўртасида ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ якунланди.



Ёш стол теннисчиларимиз Жазиордаги ХАЛҚАРО ТУРНИРнинг илк кунда 1 та олтин ва 3 та бронза медални қўлга киритди.



Узум дастурхонга кўрк бўлиб келгунга қадар анча тер тўкишга тўғри келади. Бунинг учун деҳқон ва фермерларга мавсумий ишлайдиган маҳалла аёллари катта ёрдам қилапти.

“Аввал ибрат бўлмасангиз, ишингиз юришмайди”

МАНЗАРА

Муножат МИРАҲМЕДОВА, Паркент туманидаги “Янги Санганак” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Паркент туманига йўлингиз тушган бўлса, йўл четига гектар-гектар узумзорларни кўргандирсиз. Одамлар узумни парваришга, унга ишлов бериш бўйича ҳақиқий мутахассис бўлиб кетишган. Маҳалламизда аҳолининг 50 фоизга яқини шу иш билан банд.

Эрта баҳор тоқларни устини очишдан бошланган иш кеч қузга қадар давом этади. Уста боғбонлар ноябрда узумларга ҳосил суви беришади. Бу фужумларнинг йирик бўлиб етилишида жуда муҳим. Қишинг чилласидаги заҳоб сув навад илдизи атрофида музлик ҳосил қилиб, зарарли курт-қумурсқаларни нобуд қилади. Қолаверса, ёзинг иссиқ кунларида намликни яхши сақлаб туришда аҳамияти катта.

Узум дастурхонга кўрк бўлиб келгунга қадар анча тер тўкишга тўғри келади. Бунинг учун деҳқон ва фермерларга мавсумий ишлайдиган маҳалламиз аёллари катта ёрдам қилапти. Айниқса, сентябрь ва октябрь ойларида йиғим-терим мавсуми бошлангач, бирорта бекорчи одамни тополмайсиз. Узилган узумларни тозалаб, қадоқлаб, бозорга ва қўшни давлатларга чиқаришади. Кунига 150

минг сўмгача ҳақ олишади. Ҳар йилги юмуши бўлгани учун шунақа чакқон ҳаракат қилишади, унча-мунча ишни кўрдим демаяди.

Маҳалла тизимида келишдан олдин фермер хўжалигида ёрдамчи бўлиб фаолият юритганман. Ерга меҳр қўйган одам бу ишни тарқатиши қийин бўларкан. Ҳозир доимий ишимдан ташқари, бир гектар майдонда қорағат (смородина) етиштиряпман. Экилганига беш йил бўлди. Икки йилдан буюн ҳосил беришти. Утган йили даромадимиз 50 миллион сўмдан ошди. Бир килограмм қорағатни 28-30 минг сўмдан сотдик. Унинг қизил, сариқ, тарғил ва ўзидан хушбўй хид таратадиган навлари мавжуд. Шифобахш бўлгани учун бозорда қора турига талаб юқори. Уни парвариш қилиш жуда осон. Тагини юмшатиб, вақтида бутаб турилса бас. Биз томчилатиб сўғориш усулидан фойдаланамиз, сабаби бу ҳосилни йирик бўлишига ёрдам беради.

Қизиқиши бўлган аёлларни тадбиркорликка ўргатиш мақсадида даламга олиб бораман. Экинга ишлов беришнинг сир-асрорларини ўргатаман. Хоҳловчилар кунлик ишлаб, даромад топишади. Июнь ойида пишиб етилган маҳсулот 30-35 кун давомида терилади. Бундай вақтда, 15 нафаргача қўшимча ишчи кучига эҳтиёж туғилади.

Йиғиндаги Зулайхо Убаева имтиёзли кредит олиб, 20 сотихли томорқасида қорағат етиштиряпти. Анча тажрибаси

● **Шаҳноза Кўчқоровани ишсиз бўлгани учун дастлаб “Аёллар дафтари”га киритган эдик. Кейин 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, боғча ташкил этди. Ҳозир 6 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган. 45 нафар тарбияланувчига хизмат кўрсатмоқда.**

ошиб қолди, даромадга ҳам чиқди. Яна уч-тўрт нафар аёл шу йўналишда иш бошлади. Шаҳноза Кўчқоровани ишсиз бўлгани учун дастлаб “Аёллар дафтари”га киритган эдик. Кейин 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, давлат билан шерикчилик асосида хусусий боғча ташкил этди. Ҳозир 6 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаган. 45 нафар тарбияланувчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Маҳалламизда давлат мактабгача таълим ташкилоти йўқлиги боис кўпчилик болаларни қўшни қишлоқдаги боғчаларга беришга мажбур бўляпти. Ўзимизда бундай таълим-тарбия муассасаларини қўпайишни хоҳлардик. Бундан ташқари, аёллар сартарошхонаси, новвойхона ҳамда кичикроқ бўлса-да тикув цехларига эҳтиёж туғилапти. Шу ишни қиламан, деган хотин-қизлар бор, лекин уларга ер ажратиб бериш керак.

Тақлим: аёллар бандлигини таъминлаш учун, аввало, маҳалла хотин-қизлар фаоли ўзи намуна кўрсатиши керак. Қуруқ тавсия берган билан натижага эришиш қийин. Муаммосини тинглаб, дафтарага киритгани билан нима ўзаради. Аналий йўл-йўриқ кўрсатсин, ҳеч бўлмаганда битта қўйлақ тикишни ўргатсин. Соғин сизини борларга сун, қатиқ, қўрт сотиш йўллари тушунтирсин. Шунда маҳалладаги муҳит тубдан ўзаради.

Зулфия мукофоти қандай имтиёз беради?

БИЛАСИЗМИ?

Конунчиликка кўра, Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳалари ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган иқтидорли хотин-қизларга берилиши белгиланган.

Мукофот ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 2 нафардан талабгорларга берилади.

Мукофотни олиш учун талабгор сўнги 3 йил мобайнидаги ибратли фаолияти, ўз соҳасидаги ва жамоатчилик фаолиятидаги алоҳида ютуқларига оид ҳужжатларни тақдим этиши лозим.



Мукофот совриндорлари, агар умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларининг ўқувчилари бўлса, бакалавриятга, бакалаврият талабалари бўлса, магистратурага тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.

Шунингдек, мукофот совриндорларига БХМнинг 50 баравари (17 млн. сўм) миқдорда пул маблағлари берилади.



Оилавий низоларга қандай чек қўйиш мумкин?

ПСИХОЛОГИЯ

Бахтли турмушга эришиш осон эмас. Бунинг учун қанчадан-қанча синовларни бошдан кечиришга тўғри келади. Турли келишмовчилик ва низоли ҳолатларни енгиб ўтиш талаб этилади.

Бирок баъзи оилалар қийинчиликларга дош беролмай, тезгина сўнги нуқтани қўйишни афзал билади. Ойла бундай юзаси муносабатда бўлиш, эртани ўйламай қадам босиш, нафақат эр-хотиннинг, балки жамиятнинг фожеаси демак.

Республикамизнинг етакчи оилашунос олимлари оилавий низоларнинг бир нечта сабабларини келтириб ўтишган. Булар оилада ҳуқуқ ва мажбуриятларни турлича тушуниш, ўзаро қадр-қиммат туйғусининг камайиб бораётгани, спиртли ичимликлар, қимор ўйинларига қарамлик билан боғлиқ ҳолатлардир. Шу билан бирга, моддий етишмовчилик, оила маблағларини исроф қилиб, самарасиз ишлатилиши, уй-рўзғор ва болалар парваришида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ тортишувлар ҳам тез-тез учраб туради.

Албатта, бу каби рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Лекин ҳар қандай вазиятда эр ёки хотиннинг хулқ-атвори муҳим ўрин тутди. Айниқса, мурося қилиш маданиятининг етишмаслиги оила аъзоларининг руҳий ҳолати ва жисмоний саломатлигига салбий, баъзида эса ҳалокатли таъсир кўрсатади.

Хўш, оилавий низоларни олдини олиш ҳамда бартаф этиш учун нима қилиш керак? Бунда асосий масъулият кимнинг зиммасига тушади? Саъй-ҳаракатлар қанчалик самара беради?



Ра'но ИСМОИЛОВА, психология фанлари номзоди.

Биринчи навбатда, ҳар бир инсон салбий ҳис-туйғуларини бошқара билиши керак. Атрофдагиларни имкон қадар тушунишга, кўпроқ ҳазил ва мутойиба ишлатишга ҳаракат қилиши зарур. Қолаверса, хотиржам бўлиш (агар инсон ўз ҳис-туйғуларини жиловлай олмаётганини ҳис қилса, диққатини бошқа объектга қаратиши мумкин, стулга ёки диванга ўтиришга ҳаракат қилиши мумкин, бунда ғазаб бироз пасаяди), сабабсиз нолимаслик, ҳақоратламаслик, дарҳол бошқаларни қайта тарбиялашга уринмаслик лозим.

Оилада ўзаро ҳурмат туйғулари устувор бўлиши учун танқиддан узоқроқ турган маъқул.

Эр ҳам, хотин ҳам эътиборлироқ бўлса, бир-бирининг ва фарзандларининг яхши фазилатларини эътироф эта билса, ўртадаги меҳр-муҳаббат янада кучаяди. Ширин сўз, хушмуомалалик билан авж олиб кетиши мумкин бўлган жанжалга бир зумдаёқ нуқта қўйиш мумкин.

Бундан ташқари, эр-хотин бир-бирига нима муҳимлигини, албатта, билиши лозим. Фейл-атвордаги ёқтирмайдиган жиҳатларни дўстона кайфиятда, ижобий тақлифлар билан бартаф этишга ҳаракат қилиш яхши самара беради. Фақат ўзининг эмас, ҳамроҳининг манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилиб туриш керак.

Муносабатлар доимий равишда ўзаро ҳурмат ва қадрлашга асосланганина, кичик можароларни енгиб ўтиш осон кечади. Бир-бирини руҳлантира олиш, янги ғояларини муносиб рағбатлантириш оиланинг кўплаб муваффақиятларига асос бўлади.

Баъзан йўл қўйилган хато ва камчиликларга эътибор қаратмаслик ҳам бахтли ҳаёт сари ташланган қадам бўлиши мумкин. Айниқса, ўтишда бўлиб ўтган хатоларни қайта ва қайта эслаш ўртада совуқчилик солади. Энг муҳими, ҳар бир инсон оилавий ҳаётда сабр-қаноат, бағрикенглик, эътибор ва ижобий фазилатлар катта аҳамиятга эгаллигини тушуниб етиши зарур.

Оила — муқаддас кўрғон. Шундай экан, уни асраб-авайлаш, яқинларимизнинг меҳру муҳаббатини ҳис қилиб яшашда кўп нарса ўзимизга боғлиқ. Бу фарзандларимизнинг келажиги ва ўртимизнинг равнақи учун қўшадиган энг катта ҳиссамиз бўлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «Mahalla» nashriyot-matbaa uy'i» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 580 нусxada чоп этилди. Буюртма №: Г-220

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.